# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

*Адолат ҳар иш‹а ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 49 (455)
2005 йил 27 декабр сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

***Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш қуйидаги ҳолларда тугатилади:***

***шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар батамом тугаганда;***

***бундай тўловларни олувчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечганда;***

***давлат пенсиясини олиш ҳуқуқини йўқотганда.***

**"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 24-МОДДА.**

# ЯНА ОСТОНАДАН ҲАТЛАР ЯНГИ ЙИЛ, ҚУЧОҚЛАРИ ТЎЛИБ, ҚУТ-БАРАКАГА!

*Жонажон Ватанимиз учун 2005 йил ҳам қутли, баркали, ҳам ташвишли келди. Нега деганда, ғалла ва пахта хирмонларимиз мисли кўрилмаган миқёс касб этди, пойтахтимизда ва вилоятларда тенгсиз ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бунинг бир мисоли сифатида биргина Мустақиллик майдонида бўлган беқиёс ўзгаришларни эслаш кифоя, деб ўйлаймиз. Эски шаҳарда барпо этилган Болалар Ижодиёти уйи галереяси, шунингдек, Миллий боғимизда, Абдулла Қодирий боғида амалга оширилган улкан ишлар, янгидан барпо этилган кўчалар ва магистрал йўллар, Марказий вокзалдаги ўзгаришлар кўрган кўзни қувонтиради.*

*Шу билан бирга, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи муносабати билан вилоятда бўлаётган ўзгаришлар, беқиёс ободончилик ишлари ҳам таҳсинга сазовордир.*

*Мамлакатимиз ҳаётида кўзни қувонтирадиган бундай ўзгаришлар беҳисобдир.*

*Уларнинг ҳар бири кўнглимизга катта қувонч бағишлайди. Чунки бу ўзгаришлар кайфиятимизга, руҳиятимизга ва дунёқарашимизга ижобий таъсир кўрсатади.*

*2005 йилда Ўзбекистон қўлга киритган бошқа соҳалардаги муваффақиятлар ҳам оз эмас. Албатта, бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг замирида шу халқнинг қадди кўтарилсин, жаҳон ҳамжамиятида ўз обрўси ва ўз мавқеига эга бўлсин, келажакда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмасин, деган қутлуғ саъй-ҳаракат мужассамдир.*

*2005 йилнинг май ойида Андижон шаҳрида содир этилган нохуш воқеалар яна бир бор ҳар биримизни ҳушёрликка ундайди. Шу билан бирга, бу нотинч ва мураккаб замонда доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват этади.*

*Мана шу оғир ва мураккаб кунларда халқимизнинг ўз танлаган йўлида собит туриши жаҳон миқёсида ўз тақдирини ўзи белгилашини намоён этади десак, хато бўлмайди. Ўзбекистоннинг қатъий позицияси жаҳон сиёсатига муайян ислоҳотлар киритганини бутун дунё кўриб турибди. Албатта, бу ҳар биримизга мамнуният бағишлайди. Лекин шу билан бирга, яна бир бор огоҳликка даъват этади.*

*Қишнинг бугунги кунлари келаётган йил янада қутлуғ ва баракали бўлишидан далолат беради. Бугунги қувончли кунлар янги йилимиз янада файзли бўлишини кўрсатиб турибди. Бундай дейишга асос шуки, биз бугун ҳам далаларимизда фидокорона меҳнат давом этаётганини кўриб турибмиз.*

*Замондошларимиз ташаббус ва изланиш билан яшамоқда. Уларнинг қалб ҳароратини ҳар қадамда сезиш мумкин. Яратган ҳам, сендан ҳаракат, мендан баракат, деган. Мана шу тамойилга амал қилсак, кам бўлмаймиз, албатта. Бу ҳар биримизнинг хонадонимизга файз, дастурхонимизга қут-барака олиб келади.*

*Янги йилингиз янада файзли, янада баракали бўлсин, азиз дўстлар!*



# ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАРГА БОЙ ЙИЛ



**Мавжуда РАЖАБОВА, юридик фанлари доктори**

Одатда, ҳар бир инсон янги йилни қаршилаш арафасида ўтган умрига бир назар ташлайди, рўй берган муҳим воқеа-ҳодисаларни сарҳисоб қилади. Келгусида амалга оширишни кўзлаган мақсад ва ишларини режалаштиради.

Бугун ҳар биримиз ана шундай ўй-фикр билан яшаяпмиз.

Энди поёнига етиб бораётган 2005 йил ҳақида фикр юритадиган бўлсак, бу йил халқимиз, жамият, давлат ҳаётида ёрқин из қолдирди.

Авваламбор, йил қутлуғ қадам билан кириб келди. Январ ойининг охирида мамлакатимизда икки палатали парламент фаолият юрита бошлади. Қуйи палата — Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар ҳамда фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари вакиллари ўрин эгаллаган бўлса, Сенатда ҳудудий вакиллар, яъни маҳаллий Кенгашлар депутатларидан тенглик асосида сайланган ҳамда Президент Фармони билан тайинланган Сенаторлар жой олдилар. Йил давомида Сенатнинг тўртта ялпи мажлиси бўлиб ўтди, унда йигирмага яқин қонунлар маъқулланди, учта қонун рад этилди.

Умуман айтганда, мамлакатимизда икки палатали Парламент фаолияти йўлга қўйилгани тарихий воқеа бўлди. Бу ҳеч шубҳасиз, 2005 йил номи билан халқимизнинг янги тарихи саҳифасидаги мустаҳкам ўрин олади. Сенатнинг мутлоқ ваколатига кирган чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларни тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод қилиш; Амнистия тўғрисидаги ҳужжатни қабул қилиш ва бошқа масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йил давомида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичи билан боғлиқ долзарб масалаларга ҳам аниқлик киритилди. Дастлаб давлатимиз раҳбарининг Парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида бу борада баён қилинган, яъни ушлаб туриш; қамоққа олиш ва бошқа процессуал мажбурлов чоралари юзасидан санкция бериш ваколатини прокуратура идораларидан судга ўтказиш; Жиноят кодексидаги жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш; суд ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари масъулиятини ошириш; тадбиркорлик субъектлари эркинлигини кафолатлаш механизмини такомиллаштириш, бошқача айтганда, тадбиркорлик субъектларга нисбатан молиявий жарима ёки улар фаолиятини чеклаш билан боғлиқ айрим чораларни қўллашни судлар томонидан амалга оширилиши тўғрисидаги таклифлар юзасидан мутасадди идоралар томонидан қизғин баҳс-мунозаралар, жумладан, парламент палаталарида қатор тадбирлар ўтказилиб, соҳа олимлари ва мутахассисларнинг нуқтаи-назари ўрганилди.

**(Давоми учинчи бетда)**

# ОҚИЛОНА ОРЗУЛАР ЙИЛИ БЎЛИБ КЕЛСИН!



**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси**

Мен Президентимиз томонидан ҳар сафар янги йилга берилаётган номнинг маъно-моҳиятини, мазмунини мушоҳада этиб, давлатимиз раҳбари нечоғли узоқни кўзлаб иш тутаётганига амин бўламан. 2005 йил "Сиҳат-саломатлик йили" сифатида тарихда қолди, лекин уни унутишга ҳаққимиз йўқ. Чунки йилнинг номига эътибор берайлик — бу йил бизга, барча ватандошларимизга сиҳат-саломат яшаш маданиятини ўзлаштиришга қаратилган йил бўлиб қолди. Инсон учун соғ-омон яшашдан, узоқ умр кўришдан аълороқ бахт-саодат йўқ. Бунинг учун нима қилмоқ керак? Назарий ва амалий тиббиёт ривожланмоғи, фаровон турмуш тарзи, шарт-шароит яратилмоғи керак, албатта. Лекин улардан-да, муҳимроқ омилни унутишга зинҳор ҳаққимиз йўқ. Бу — ҳар бир одам биринчи навбатда ўз соғлиғини ўзи асрай билиш омили! Биз ишлаш, меҳнат қилиш, беҳаловотликнинг, тиниб-тинчимасликнинг афзаллиги ҳақида кўпроқ гапирамиз. Майли, булар керак, лекин ким кўпроқ меҳнат қилишга қодир? Қандай одам тиниб-тинчимай, эл-юрт дарди-ғамида кўпроқ елиб-югуради?

Энг аввало, соғлом одам!

Президентимиз болалар спорти, оилавий спорт, оммавий спорт ривожлансин деб қайта-қайта даъват этаётган экан, бундай даъватларнинг замирида ҳар бир киши ўзи учун кони фойда ҳикмат ётганини тушуниб етиши керак-да!

Нуфузли лавозимларни эгаллаб турган, бирон нафас бўш фурсати бўлмайдиган, лекин ўз саломатлиги ҳақида қайғуришни ҳам асло унутмайдиган таниқли кишиларни биламан: доимо бардам, ишчан, кайфияти аъло, чеҳраси очиқ, фикри тиниқ ва ҳакозо. Ва уларга ҳавас қиламан. Улардан ибрат олишга ҳаракат қиламан. Демак, соғломлик соғ-саломат юрган одамнинг ўзи учун эмас, ўша кишининг теварагидагилар учун ҳам ҳар жиҳатдан яхши, қулай, фойдали.

**(Давоми учинчи бетда)**

# БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ БЎҒИНИ



**Собир ЎНАР, ёзувчи**

Ҳар бир йил одамлар тақдирига ўз муҳрини босади. Мен ўтаётган йилимизни мустақил Ватанимизнинг буюк келажаги йўлида навбатдаги тайёргарлик босқичи деб ҳисоблаган бўлардим. Негаки, 2005 йил юртимизга кўп жиҳатдан марҳаматли келди. Ғалла ва пахта хирмонларимиз тўлди, кўзланганидан ҳам ортиғроқ ҳосил тўпланди. Бу иқтисодий қудратимизга кафолат бўлувчи далилдир. Буни қувонч билан бир парда кўтариб, ҳайқириброқ айтсак-да, бўлади. Сабаби оддий: 25 миллиондан ортиқ халқнинг дастурхони ва рўзғори бут бўлади.

Йилнинг иккинчи ярми мамлакатимиз стратегик ва мудофаа қувватини олдиришда янгиланишга эришиш даври бўлган бўлса, ажаб эмас. Чунки Ўзбекистон—Россия сиёсий-иқтисодий муносабатларида имкониятлар ниҳоятда кўп. Бизга қўл келадиган, ўнғай томонлари янада кўпроқ.

Урф-одатларимиз ва динимизда эҳсон, қўли очиқлик каби фазилатларнинг ўрни беқиёс қадрланади, таърифланади ва шунга даъват этилади. Халқимизда "қўли очиқнинг йўли очиқ" деган пурмаъно мақол ҳам бор. Баъзан инсоннинг кўнгли торлиги, эртанги истиқболга гумон билан қараши уларнинг қалбига қулф солиб қўяди. Хазинанинг устига танда қўйиб ўтириб олиб, тишнинг кирини сўриб кун кўриш ҳам мумкин. Аммо ўша мулкка бир кун путур кетади. Путур кетмаса, бойнинг умри тугайди — ўзи кетади. Дунёнинг бевафолигини жавоҳирлар билан ҳам енгиб бўлмайди.

Президентимиз Ислом Каримов Конституция куни арафасида бошланажак йилни **"Ҳомийлар ва шифокорлар йили"** деб эълон қилганида барча юртдошларимиз уни мамнунлик билан қўллаб-қувватладилар.

Дунёнинг турли бурчакларида содир бўлаётган террор хуружлари бу йилда бизни ҳам четлаб ўтмади. Андижон воқеалари ҳар бир юртдошимизнинг юрагида ўчмас из қолдирди. Бу кўрнамаклик, сотқинлик, хиёнат, қалби сўқирлик ва динни оёқости қилишнинг қайғули аломати, жирканч кўриниши. Бундай воқеаларни уюштиришга беҳуда уриниш, бегуноҳ одамларнинг қонини тўкиб, икки дунёсини хароб қилишдан бошқа нарса эмаслигини онг-шуури бор инсонлар кўриб, англаб турибди. Андижон воқеаларини уюштирган бир гуруҳ жиноятчи тўда устидан Олий суд адолатли ҳукм чиқарганини ҳам кўрдик. Демак, бировнинг уйини куйдирган ўзининг ҳам уйини куйдираётгани ҳам аён бўлиб турибди. Қани, ўзингиз айтинг, Ватанига хиёнат қилган одам қайси замонда бахтли бўлган? Хўш, террорда қатнашган қай бир кас тинч, хотиржам юрибди?!

Бу сабоқ эмасми?

Андижон воқеалари жоҳил, қалби ва кўзи кўр кимсаларга сабоқ бўлгандир. Хуллас, ушбу йилда эсланадиган энг нохуш воқеадир бу.

2005 йилда ўзбекнинг бир қанча устоз қаламкашлари ҳаётдан кўз юмдилар. Улар руҳи олдида бош эгамиз, охиратлари обод бўлсин деймиз.

Бир-биридан кўркам иншоотлар, йўлу кўприклар, ўқув юртлари барпо этилаётгани кўзни қувонтиради. Бўйи чўзилиб, билими онги юксалаётган ёшлар, ўсмирлар келажакни ўз қўлларига олишмоқчи. Уларнинг накадар маънавиятли эканликлари ҳам эртанги кунимизга кафолатдир. Шуларни ўйлаб, ўз-ўзидан буюк жараённинг бир бўғинида яшаяпмиз дейишга ҳақлимиз.

Istiqlol va imkoniyat

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Аслида Ўзбекистонда юз кўрсатаётган бу ижобий ўзгаришлар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижаларидир. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича ҳал этилиши лозим бўлган яна бир муҳим масала — жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир, деб алоҳида таъкидлаган эди.***

# ЯШАШ ҲУҚУҚИ

Маълумки, Президентимизнинг шу йил 1 августда эълон қилинган **"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги Фармонига мувофиқ, 2008 йил 1 январдан эътиборан мамлакатимизда ўлим жазоси жиноий жазо тури сифатида бекор қилинади ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилади.

Таъкидлаш жоизки, Фармонда ўлим жазосига мораторий қўйилиши ҳақида сўз юритилгани йўқ. Ваҳоланки, шундай ҳолатда айрим мамлакатларда маҳкумлар йиллар давомида жазо ижросини кутишади. Президентимиз Фармонида эса, ўлим жазоси бутунлай бекор қилиниши ўқтирилган.

Бироқ, сир эмаски, юртдошларимиз орасида ўлим жазосининг бекор қилинишига қарши кишилар ҳам йўқ эмас. Бу табиий ҳол. Зеро, тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳар қандай давлатда фуқаролар ўлим жазосининг бекор қилинишини ҳеч қачон бир овоздан маъқуллашмаган. Мисол учун, ўзини инсон ҳуқуқлари ватани, деб ҳисоблайдиган Франция Ғарбий Европада ўлим жазоси сақланиб қолган энг сўнгги давлатлардан бири ҳисобланарди. Ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги қонун лойиҳаси француз парламенти томонидан, французларнинг учдан икки қисми бу қонунга қарши чиқишганига қарамай, 1981 йили тасдиқланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, одамлар ўлим жазосининг қўлланилишига доир фактлардан қанчалик кўп хабардор бўлса, унинг бекор этилишига оид асослар ҳақида далил ва маълумотларга эга бўлишса, ўлим жазосининг бекор қилинишига шунчалик кам қаршилик кўрсатишади.

Ўлим жазоси ва яшаш ҳуқуқи муаммоси давлатчиликнинг илк куртаклари пайдо бўлаётган, суд инстанцияларининг дастлабки муқобил шакллари юзага чиқаётган даврларда пайдо бўлган эди. Мазкур давр жиноий тузуклар, дастлабки қонунлар кодекслари ёзилиши билан якун топди. Бу ҳужжатларнинг эътиборга молик томони шундаки, улар қадим германларда, славян ва туркий халқлар ҳаётида ўлим жазоси қандай ўрин тутганини аён кўрсатади. Таъкидлаш ўринлики, Евроосиёнинг қадимги халқлари, Ўрта Ер денгизи ва Яқин Шарқнинг цивилизациялашган халқларидан фарқли ўлароқ, ўлим жазосига (Casus mortis) ружу қўйишмаган. Қабилавий жамоалардан ташкил топган жамиятнинг тузукларида ўлим жазосини товон тўлаш чораси билан алмаштириш мумкинлиги қайд этилган.

Европада эса бошқача манзарани кузатамиз. XIX аср бошларида Англия ўлим жазосини қўллаш бўйича дунёда биринчи ўринда турар эди. Бу жазони қўллаш тарафдорларининг ғалати далиллари бор эди. Масалан, 1864 йили инглиз парламентида Робук деган киши маҳкумни қамоқхонада сақлашдан кўра, уни ўлим жазосига маҳкум этиш давлат учун арзон тушишини рўкач қилиб, жазонинг бу турини ёқлаб чиққан.

**(Давоми учинчи бетда)**

Faxr

# КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

***Ниҳоясига етиб бораётган йил фермер хўжалигимиз ҳаётида алоҳида из қолдирди. Чунки жорий қишлоқ хўжалиги йилида фермер хўжалигимиз ўзига баракали ишлаш, мўл ҳосил яратиш учун зарурий имкониятларни ҳозирлаб олдик.***

Фермер хўжалигимиз 2003 йилда давлат рўйхатига олингач, унга Қоратоғнинг Қизбуви чўққиси этакларига туташ даладан 15 гектар ер майдони яжратиб берилганди. Биз ерни маҳаллий ўғит билан обдон тўйинтирдик. Негаки, "Пахтакор" ширкат хўжалиги пайтида ана шу ер майдонига экилган пахтадан гектарига 15 центнердан ортиқ ҳосил олинмаганлигини билардик. Тошлоқ ерда ҳосилдорлик 30 центнерга етди. Ширкат давридагидан ер икки баравар кўп ҳосил берди.

Эришилган натижа туман раҳбарларининг назаридан четида қолмади. Таклифимизни инобатга олишиб, ер майдонимизни 50 гектар қилиб кенгайтиришди. 2004 йилда 50 гектар майдоннинг 20 гектарида ғалла, 30 гектарида ғўза парваришладик. Ҳар икки соҳада ҳам ҳосилдорлик дашт шароитида бўлса-да, юқори бўлди. Масалан, ғалладан гектарига 50 центнердан, жами 100 тонна ҳосил олдик. Унинг 38 тоннасини давлатга сотдик. Туман мутасаддилари 2005 йилнинг бошида яна ерларимизга ер қўшиб беришди. Бу йил 120 гектар майдонда деҳқончилик қилдик. Ғалладан туманда энг юқори кўрсаткич — гектаридан 75 центнердан ҳосил олдик. Ёки яна бир мисол. Бу йил фермер хўжалигимиз биргина пахтанинг ўзидан 52 миллион сўм даромад қилди.

Баъзан ерни ишлаганга бериш керак, деган гап-сўзларни ўқиб, эшитиб қоламан. Бундай кезда ўзимда меҳнатга рағбат сезаман. Ахир, уч йилда 15 гектарлик майдонимиз 120 гектарга етгани яхши ҳол саналса керак-да?!.

Ўтган йили лизинг шартномаси асосида "МТЗ-80-21" русумли чопиқ трактори олгандик. 2005 йилда "МТЗ-80" русумли трактор ва учта тиркама сотиб олдик. Бундан ташқари яна иккита "Т-28-Х" русумли тракторларимиз, мола, барана, чизил, культиватор ишчи идоралари, хуллас, ҳаммаси ўзимизда мавжуд.

Янги йилда режаларимиз кўп. Ишчилар учун дала шийпони қуриш ниятидамиз. Яқинда ширкат хўжалигида тендер танлови ўтказилади. 120 гектар майдони олиш мақсадида ана шу танловда қатнашишга ҳужжатларни топширганман. Агар танловда ғолиб чиқсак, фермер хўжалигимиз ер майдони 240 гектар етади. Мустақиллик деҳқонга ана шундай имконият берганидан кўнглимда фахр ҳиссини сезаман. Якунланаётган йилдан миннатдормиз. Бошланаётган йилдан эса умидимиз жуда катта.

**Музаффар ХОЛМЎМИНОВ, Пахтачи туманидаги "Музаффар Ёкуд" фермер хўжалиги раҳбари**

